

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 201 (11.010)

Баҳоси эркин нарҳда

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*бир кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

**Каска**  
сатрларда

● **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан Тошкент вилоятида истикомат қилаётган 150 нафар ёш келин-куёвлар шахримизга экскурсия уюштирилди.

● **«ЭКОСАН»** халқаро ташкилоти ташаббус билан экологияни асрашнинг аҳамияти, ҳазон ёқилиши зарари оқибатларига бағишлаб ўтказилган тадбирда экологлар иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда ўтказилган педагогик амалиёт дарсида битирувчи синф ўқувчилари ва таърибли педагоглар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кунни Юнусобод туманидаги «Оқўрғон» маҳалласида Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан маҳалла фуқаролар йиғини ҳомийлигида кам таъминланган оилаларда яшовчи ёш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказилди.

● **ШАХРИМИЗДА** футбол бўйича аёллар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунланди, голиблар тақдирланди.

● **ТОШКЕНТ** вилоятининг «Чорвоқ» оромоҳида уюштирилган маданий-маърифий тадбир ва спорт мусобақаларида шахримиздан борган 300 нафар ёш келин-куёвлар ҳам иштирок этишди.

● **БУГУН** Баҳрайнда «Пекин-2008» йўланмаси учун саралаш турнирининг учинчи босқичида иштирок этаётган футбол бўйича Баҳрай-Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўзаро куч синатишди. Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан ўтган кунги олимпия терма жамоаси бош мураббийси Вадим Абрамов ҳамда бошқа мутахассислар иштирокчида ўтказилган матбуот анжуманида олимпия терма жамоасининг ушбу учрашувага тайёргарлиги, футболчиларнинг жисмоний, руҳий ҳолати муҳофиза қилинди.

● **КЕЧА** «Dedeman silk Road» меҳмонхонасида уюштирилган халқаро илмий-амалий анжуман «Инфраструктура ривожлантириш ва электрон ҳужжатлар алмашинувининг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **УНИВЕРСАЛ** спорт мажмуасида уюштирилган стол тенниси, баскетбол, мини-футбол мусобақаларида ноғирон спортчилар ўзаро беллашди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Эрон Ислом Республикасидан қайтаётган 16 октябрь кунини Тошкентда тўхтаб ўтди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухаммедовнинг таклифига биноан 2007 йил 18-19 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Туркменистон ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар муҳома этилди.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга доир қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## 16 ОКТАБРДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. МАЖЛИСДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 9 ОЙИ МОБАЙНИДА РЕСПУБЛИКАНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМ ТУРКМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Марказий иқтисодий вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларида қайд этилганидек, 2007 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим етти таъминоти вазифасини амалга ошириш бўйича қўрилаган тизимли чора-тадбирлар мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларига изчил эришилганини, солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг муваффақиятли бажарилишини, 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўз вақтида ижро этилишини таъминламоқда.

Республика Иқтисодий вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлигининг маълумотларига кўра 2007 йилнинг январь-сентябрь ойларида янги ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил қилди. Иқтисодий ўсишга сановат ишлаб чиқариши ҳажмларини 11,9 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини - 3,5 фоизга, пудрат курилиш ишларини - 20,4 фоизга, чакана товар айланмасини - 18,4 фоизга, пулли хизматларни 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилди. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспортнинг 41,8 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Қўлай инвестиция муҳити ва инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларнинг яратилиши инвестициялар ҳажмининг 31,3 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 2 баравардан ортиқ ўсишини таъминлади. Бир қатор янги йирик сановат ишлаб чиқаришлари, «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси, «Зеварда» қонда босимли компрессор станцияси ва бошқа объектлар ишга туширилди. Тубегатан каллий ўғитлар қонини ва «Хандиш» полиметалл рудалари қонини ўзлаштириш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларини эр-

кинлаштириш ва солиқ юқини пасайтириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги салмоғини ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизга оширишни таъминлади.

Мажлисда қайд этилганидек, ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор муҳим фармонлари қабул қилинганлиги ва амалга оширилганлиги аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли умуммиллий дастурларни изчил

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг янада қучайтирилишини муайян даражада таъминлади. 2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тадбирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм йўналтирилди.

Кун тартибидagi масалаларни муҳома қилиш давомида республика Ҳукумати мажлиси қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг 2007 йил 30 августда бўлиб ўтган қўша мажлисида белгиланган асосий вазифаларнинг амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари, шунингдек республика иқтисодий реал сектори корхоналари раҳбарларининг эътибори ишлаб чиқаришнинг барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича қабул

жон (Ш.Ибрагимов), Навоий (С.Саматов) вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида қасаначиликни, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, шахсий ёрдамчи ва фермер ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурлари амалга оширилишининг аҳоли атрофида таҳлил қилинди. Аҳоли иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин янги иш ўрни, шу жумладан корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингга, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 120 мингга иш ўрни яратилди. Қорамол етиштириш билан шуғулланаётган 275 минг фуқарога меҳнат дафтарчалари расмийлаштирилди.

Муҳома давомида таъкидланганидек, муҳим ижтимоий вазифа сифатида иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилиш тадбиркорликни, энг аввало, хусусий бизнесни ривожлантириш учун муҳим қадар қўлай шарт-шароитлар яратишга, шу асосда аҳоли фаровонлигини изчил оширишни таъминлашга муайян даражада боғлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

## 23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини Президент Сайлови — демократик тамойилларнинг амалий ифодаси

**МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА. БУГУН ХАЛҚИМИЗ ЯНА БИР КАТТА СИЁСІЙ ВОҚЕА АРАФАСИДА ТУРИБДИ. БУ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ДЕКАБРЬ ОЙИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДИР.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ МИРЗОУЛУГБЕК АБДУСАЛОМОВ БИЛАН СУҲБАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИГА ОИД МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА БЎЛДИ.**

— Мирзоулугбек Элчиевич, суҳбатимизни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга оид миллий қонунчилигимизнинг асосий қондаларидан бошлашсак...

— Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни сайловларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, сайлов жараёнида жамиятдаги хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлари яққол намоён бўлади.

Икки палатали парламент ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлирига бўлиб ўтган очик ва ошкора сайловлар том маънодаги демократик давлат ва фуқаролик жамиятига хос бўлган муҳим воқеалардир.

Кейинги йилларда жамиятда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш, омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини оширишга қаратилган кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилди. Фуқароларнинг онгу тафаккурида чинакам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Уз келажагини жамиятда демократик кадрларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳолда қўридан янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг муҳимлиги шундаки, ушбу тадбирни амалга ошириш билан халқимиз ўз олдига

қўйган мақсадларига, қабул қилган Конституциясига, демократик жамият қуриш борасида амалга ошираётган ислохотларига содиқлигини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён этишга эришди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, эркин демократик сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир 30 дан ортиқ халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги ва улардаги асосий принциплар миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшидан овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Ижтимоий келиб чиқилиши, ижтимоий ва маънавий ҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ва ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, мустақиллик, адолатликдан иборат. Марказий сайлов комиссиясининг бутун фаолияти сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмақлашга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга йўналтирилган.

Марказий сайлов комиссияси томонидан 2007 йил 23 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланди. Унга мувофиқ сайлов округларининг сайловчилар сони кўрсатилган рўйхати ва округ сайлов комиссиялари жойлашган манзиллар Марказий сайлов комиссияси томонидан 9 октябрга қадар эълон қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар. Ушбу қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ Президентликка номзодларнинг умумий сони чекланмаган.

Сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан қамада олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»-ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун қамада уч юз нафар сайловчилар иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

**XXI АСР САДОСИ**  
**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Тошкентда «Ипак йўли туризм» XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси очилди. Бу йилги ярмаркада Россия, Испания, Греция, Чехия, Туркия, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони, Ҳиндистон, Малайзия, Эрон, Қозоғистон ва Қирғизистон каби 30 га яқин мамлакатдан 80 та фирма ва компания вакиллари иштирок этмоқда. Ярмарка эртага ўз ишини якунлайди.

● «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Жиззах ва Сирдарё вилояти вакиллари ўртасида ҳудудий босқич кўриги якунланди. Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган фестивалда ҳар икки вилоятдан 873 истеъдодли ўғил-қиз шеърини ва насрий машқларини, тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги ижодий ишларини, ижрочилик маҳоратини кўриқдан ўтказди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Asia Inturans сўғурта компанияси пойтахтдаги Халқлар дўстлиги саройида Тошкент шаҳри ҳамда вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун хайрия концертини ташкил этди.

● Нукус халқаро аэропортида Германия авиация сановатида ишлаб чиқарилган янги, замонавий навигация қурилмалари ўрнатилди. Аэропорт ушбу ускуналар ёрдамида ноқулай об-ҳаво шароитида ҳам самолётларни қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

● Тошкентдаги «Сувмаш» очик акциядорлик жамияти ташаббуси билан корхонада фермер ҳўжаликлари далаларида фойдаланишга мўлжалланган насос станциялари ва мосламаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, уларнинг саъй-ҳаракати билан хориждан келтирилган йирик ҳажмли сув насослари учун эҳтиёт қисмлар ҳам тайёрланмоқда.

● Бухоро вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамда «Ойдин Нури» маркази ҳамкорлигида «Маҳалла» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари маслаҳатчилари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

● Болалар жамғармасининг Наманган вилоят бўлими 44 та етим болаларга спорт костюмлари, кийим-кечаклар, ўйинчоқлар топширди, мактабга тарбия муассасаси тарбияланувчилари учун эса байрам тадбири ўтказиб, тадбир сўнгида болажонларга палослар, ўйинчоқлар тақдим этди.

● Республика Ёш томошабинлар театри ўзининг 79-мавсумини бошлади. Мавсум очилиш аънаанага кўра Меҳрибонлик уйлари, ноғирон ва кам таъминланган оилалар болалари учун катта байрамга айланиб кетди. Шу кунги болажонлар учун «Борса-келмас» спектакли намоён қилинди.

**ЖАҲОНДА**

● Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси бугун Давлат думасига сайловларда иштирок этувчи партияларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини ниҳоясига етказди.

● Япония Ташқи ишлар вазири Масахико Комура Мьянмага таълим маркази қурилиши учун ажратилаётган 4,7 миллион доллар миқдоридagi молиявий ёрдам тўхтатилганини билдирди. Маълумотларга кўра, мазкур қарор яқинда Мьянмада омвий норозиликлар юз берган пайтда бир япон журналистининг ўлдирилиши билан боғлиқдир.

● Мадридда мамлакат Миллий суди биносини портлатиб юборишга уринганликда гумон қилинган 30 нафар шахс устидан суд жараёни бошланди.

● Испаниянинг шимолий қисмида бир кун ичида бир йиллик нормадаги ёлғир ёғини мамлакатда улкан муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, баъзи жойларда сув тошқинларининг баландлиги 6 метрга етди. Тошқинлар 1000 дан ортиқ бино ва ишоотларни вайрон қилди, 1,5 мингта машина шикастланди, 2 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Лондонда адабиёт соҳасидаги нуфузли мукофотлардан бири Букер совринининг соҳибни аниқланди. 50 минг фунт стерлингни ташкил этувчи ушбу мукофот ирландиялик ёзувчи Эн Эмрайдга «Мажлис» романи учун топширилди.

● «Airbus» компанияси дунёдаги энг йирик самолётлардан бири ҳисобланган «А-380» ҳаво кемасини дастлабки бурятмачи — «Singapore Airlines» га етказиб берди. Уз ичига 853 нафар йўловчини сиғдириш имкониятига эга бўлган ушбу улкан самолёт шу йилнинг 25 октябрида ўзининг биринчи қатновини Сингапур-Сидней йўналиши бўйича амалга оширади.

● Свердловск вилоятининг Кировград шаҳридаги вояга етмаганлар колониясида юз берган тўполонлар оқибатида колониянинг олти нафар хизматчиси ҳамда еттита жазо муддатини ўтаётган ўсмир тан жароҳатларини олди. Ҳозирда ушбу ҳодиса сабаблари аниқланмоқда.

● Лондондаги «Хитроу» аэропортида «Srilankan Airlines» компаниясига қарши «Airbus A340» самолёти «British Airways»нинг «Boeing 747» самолёти билан тўқнашиб кетди. Самолётларнинг фақатгина қанотлари бир-бирига теккани ва зудлик билан йўловчилар эвакуация қилинганлиги сабабли ҳеч ким жабранмади.

● Таиланддаги миллий богда сув тошиши натижасида германиялик олти нафар сайёҳ ҳамда икки нафар маҳаллий йўл бошловчилар ҳаётдан кўз юмди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Куни кеча Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 14, 24-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтинчи беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди. Номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинган номзодлар ҳақидаги маълумотларни 23 ноябргача эълон қилади.

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланганда тенг ҳуқуқ берилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов кунини овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан бир нафардан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида 13 декабрда қадар хабардор қилинади. Марказий сайлов комиссияси фуқароларни ўз фаолияти ҳақида, сайлов комиссияларининг ташкил этилиши, сайловда иштирок этувчи сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилади. Президентликка номзодлар хусусидаги, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни эълон қилади.

— Сайлов жараёнида ижтимоий сўровларнинг маълумотлари тарқатилмайдими? Сайловчилардан улар кимга овоз берганиларини сўраш мумкинми?

— Бунга йўл қўйилмайди. Чунки бу овоз беришнинг яширинлиги принципи ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришларига зиддир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида ва овоз бериш кунини жамоат

фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишда ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш таъқиқланади.

— Ҳуқуқшунослар, халқаро экспертлар Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари мукамал тарзда кафолатланганлигини эътироф этишади. Буни нима-ларда кўриш мумкин?

— Конституцияда, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунда, «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларимизда фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари мустақамлаб кўйилган.

Мухими шундаки, айнан «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги (1994 йилда қабул қилинган) қонун кўплаб мамлакатлардан фарқи йўларок, Ўзбекистонда мавжуд ва унинг қондаларига юртимизда тўла амал қилинади. Мазкур Қонун фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига оид барча умумэтироф этилган қондаларни ўзида ақс эттирган. Хусусан, Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг Конституция ва бошқа қонунларда мустақамлаб кўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир. Улар ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий мансаб, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулоти турли ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, сайловчилар умумхалқ овозига қўйилган масалалар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва ҳокимиятнинг вакиллик органларига кўрсатилган номзодлар бўйича ташвиқот юритиш ҳуқуқига эга.

Мухим кафолатлардан яна бири Қонуннинг 21-моддасида аниқ ифодаланган. Куч ишлатиш, алдаш, кўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар билан фуқароларнинг сайлов ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди агитациясини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохташтириш, овозларни атайин нотўғри санаш, сайлов тўғрисидаги қонунларни ўзгача тарзда бузиш таъқиқланади. Бундай ишларни қилган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

— Сайловда илк бор иштирок этувчи сайловчиларга сайлов ҳуқуқларини тушунтириш юзасидан Марказий

сайлов комиссияси қандай ишларни амалга ошириши назарда тутилган?

— Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимиздаги сайловчиларнинг умумий сони ўн олти миллион икки ўз тўқсон етти минг тўрт юз кишидан зиёд. Ўн саккиз ёшга тўлган ва сайловда биринчи марта иштирок этадиган сайловчилар сони 2 миллионга яқин, биз улар ҳақида аниқ маълумотларни тўплашмиз. Чунки 19-20 ёшларда ичида ҳам кўпчилик бу сайловда биринчи марта ўз конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширади.

Айтиш мумкинки, сайловчиларнинг, хусусан, сайловда илк марта иштирок этадиган ёшларнинг сайлов тўғрисидаги билимини ошириш Марказий сайлов комиссиясининг доимий эътибори бўлиб келган. Сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларига доир оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларимизда, таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳалларда ўтказилаётган мулоқотларимизда асосий эътиборни сайлов қонунчилигининг моҳиятини кенг оммага, хусусан ёшларимизга етказишга қаратамиз.

Бу борада турли давлат ва нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, ўқув юрлари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу рағби сайлов жараёнида мазкур ҳамкорликни янада жонлантириш, самарадорлигини ошириш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан барча чоралар кўрилади.

— Оқрув ва участка сайлов комиссияларини ташкил этиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 3 октябрь кунини бўлиб ўтган мажлисида сайлов округларини ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди.

Сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида ташкил қилинди ҳамда улар ҳам ва тартиб рақами берилди. Шу билан бирга, сайлов округларининг рўйхатлари, сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ахборот матбуотда эълон қилинди.

Энди биз округ сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаб, фаолиятини йўналтириб борамиз. Бундан ташқари, округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларининг ташкил қилиниши, алоҳида жиҳозланган бинолар, зарур техник воситалар билан таъминланиши назорат қилинади.

Қисқасини айтганда, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини миллий қонунчилигимиз талаблари доирасида юксак даражада ўтказиш учун барча чора-тадбирлар, ташкилий ишлар амалга оширилмоқда.

ЎЗА муҳбири Фулом МИРЗАЕВ сўхбатлашди

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мажлисида қайд этилганидек, куз-қиш даврига ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўриш иқтисодиётнинг барча соҳалари муваффақиятли ишлаши, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун замин ҳисобланади. Мажлис арасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг, иссиқлик ва сув таъминоти корхоналарининг фаолиятини, улар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг аҳолини, кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати учун ҳодимларни рағбатлантиришнинг аниқ-равшан механизми жорий этилишини ўрганиш шуни кўрсатдики, жойларда ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, аҳолини иссиқлик, газ ва тегишли маиший шарт-шароитлар билан тўлиқ таъминлаш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, Бош вазир ўринбосари Н.Хонов, Э.Шоисматов, вазирликлар ва идоралар, бир қатор вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботларида камчиликлар, ҳал этилмаган муаммолар очиб ташланди, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар

ва уларни бажариш муддатлари белгиланди. Қиш даври учун сифатли ва турли мева-сабзавотларни фамлаш ва уларни аҳолига мақбул нархларда сотиш бўйича вазибалар айнакиса маҳаллий ҳокимият органларининг ўз вақтида ҳал этишини талаб қиладиган муҳим масалалар сифатида белгиланди.

Бугунги кунда иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва умуман республикани изчил юксалтиришни ахборотлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини, почта ҳамда телекоммуникациялар тармоқларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришдан тасаввур қилиш мумкин эмас. Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов, Давлат солиқ қўмитаси (Э.Ғадоев), Халқ таълими вазири (Т.Жўраев), «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси (Ф.Сагдуллаев), Навоий кон-металлургия комбинати (Н.Кучерский) раҳбарлари ҳисоботларида ушбу соҳадаги ишларнинг аҳоли танқидий таҳлил қилинди.

Кун тартибидеги ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари ва Аппарати департаментлари, тегишли вазирликлар ва идоралар раҳбарларига

муфассал таҳлил қилиш асосида бошқарув органларида, банк ва молия тизимларида, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида, қишлоқ жойларда, йирик ишлаб чиқаришларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш мезонлари ва баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Ушбу чора-тадбирлар 2007-2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асоси бўлиши керак.

Ҳукумат мажлисида қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг натижадорлиги масалалари атрафлича муҳокама қилинди. Республикада пахтакорлари томонидан 3,6 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси тайёрланди ва пахта йиғим-терими давом этмоқда. Мева-сабзавот ва узумдан яхши ҳосил этиштирилди. Уларни қайта ишлаш бўйича агрофирмалар тармоғи ривожланмоқда. Қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларнинг тизимли амалга оширилиши натижа-сида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш таъминланмоқда. Буни бир қатор вилоятлар фермерларининг ўзлари ҳам


Ўзбекистон Республикаси Президенти билан бўлган учрашуларда алоҳида таъкидлашди.

Ушбу сўхбатлар чоғида қўйилган вазифаларни бажаришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда аграр секторда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш вилоятлар ҳокимликлари, республиканинг тармоқ вазириликлари ва идоралари раҳбарлари ҳисоботларининг асосий мавзуси бўлди.

Шу билан бирга, пахта йиғим-терими мавсумини тугаллаш, кузги дон экинлари экишининг мақбул агротехника муддатларида ўтказилишини таъминлаш ҳамда 2008 йил ҳосили учун мустақкам замин яратиш мақсадида ерларни шудгорлашни сифатли ўтказиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартибидеги муҳокама қилинган масалалар юзасидан республика ҳукуматининг мажлиси қарори қабул қилинди. Унда 2007 йил учун белгиланган энг муҳим устувор вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда 2008 йилнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун ишончли кафолатлар яратиш Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, марказий иқтисодиёт идоралари, барча давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг асосий вазифаси эканлиги қайд этилди.

(ЎЗА)



2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

ИНСОНДАГИ ЭНГ ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛАР, УНИНГ ДУНЁҚАРАШИ, ҲАЁТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИ ДАСТЛАБ ОИЛАДА ШАКЛЛАНАДИ. ШУ БОИС ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ ОИЛАЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИШЛАР ЎЗИНИНГ ЁРҚИН САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбарлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзудаги анжуманда ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда пойтахтимиздаги яқинда оила қурган ёш келин-куёвлар, ҳуқуқшунослар, психолог олимлар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Анжуман олдидан тадбир иштирокчилари Мустиқлик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Му-

стақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдурахимова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувачиси, ҳуқуқшунослари Омина Қаримова ва бошқалар Президентимиз Исроҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, мустақил ҳаёт оstonасига илк қадам қўйган йиғит-қизларга ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил таътиб этилаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жойларда янги иш ўринлари очилиб, ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этилмоқда. Ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар, уй-жой ва зарур рўзгор буюмлари сотиб олиши учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилмоқда. Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат бериш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали механизми яратилмоқда.

Уй-рўзгор ишларини йўлга қўйишда, мустақил меҳнат фаолиятимизни бошлашда давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган ҳамхўрликнинг аҳамияти катта бўлаётди. — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Миравз Абдуллаев. — Бундай меҳр-эътибор учун Президентимиз Исроҳ Каримовдан жуда миннатдоримиз.

Анжуман Бўстонлик туманидаги «Чорвоқ» оромгоҳида ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар қўмитаси томонидан ёш оилалар учун турли саёҳатлар, қадимий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжолар зиёратини ташкил этиш хайрли аънаанага айланган. Бу йилги байрам ҳам хушманзара табиат қўйида ана шундай кўтаринкилик билан нишонланди.

Тадбир доирасида «Оила: ҳуқуқ, бурч ва масъулият» мавзуда семинар-муҳолат, ҳуқуқшунослар иштирокида давра сўхбатлари, интерфаол услубидаги мулоқотлар ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири СУРАТЛАРДА: тадбирдан вазири Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.

23 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

23-модда. Фуқароларни сайловлар рўйхатлари билан таништириш вазирликлар рўйхатидаги ноаниқликлар хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан беш кун олдин, Ўзбекистон Республикасининг хориж давлатларидаги ваколатхоналари ҳузуринда, санатий ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа имий ишлайдиган давлолаш муассасаларида, олис ёриш қийин бўлган жойларда тузилган сайловчиларнинг асосий қисмига эса сайловдан икки кун олдин хамнинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Учас сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачоғаниши мумкинлиги ҳақида сайловчиларга хабарберилади.

Фуқароларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ваънини туғри тузилганини текшириш имкони таъминланади.

Ҳар бир фуқарога рўйхатга киритилманлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқаришнинг юзасидан, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўлқўйилганлик хусусида шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Бу масалага доир ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, аризани участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичиде сайлов арасида ва сайлов кунини эса дарҳол кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритиши ёриришга унинг талаби инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги асосланган қарорнинг бир нуссани бериши шарт. Комиссия қарори устидан тум (шаҳар) судига сайловдан кечи билан уч кун олд шикоят қилиниши мумкин, туман (шаҳар) суди қарорини икки кунлик муддат ичиде кўриб чиқишга қўриб. Туман (шаҳар) судининг қарори қатъийдир. Ўзста сайлов комиссияси суднинг қарорига мувофиқ сайловчиларнинг рўйхатига дарҳол тузатиш кириди.

III БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДАР КўРСАТИШ, УЛАРНИ РўЙХАТГА ОЛИШ ВА САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва босита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланглиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдиқўзбекистон Республикаси Адлия вазирилик томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси иезидентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч нафар сайловчилардан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок гиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этадиган ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга мида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қўйидагиларни тақдим этиши лозим: сайовда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томондан имзоланган ариза; Адлия вазириликнинг ёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳини рўйхатга олишни илтимос қилиб, сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига ариза би мурожаат этади. Аризага қўйидагилар илова қилинади: сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган сниси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат; сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил йиғинаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган шонч қоғози; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу модданин тегишинча биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилганда, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд қилинган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гуноҳномасини ва белгиланган наунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беади. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг, саловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати аизалар келиб тушиш навабатига қараб марказий мтбуотда эълон қилинади.

(Давоми келгуси сонда)

Фан янгиликлари

ХАЛҚАРО ГРАНТЛАР АСОСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ ҲАМ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАР ТОМОНИДАН БАЖАРИЛАЁТГАН ҚАТОР ИЛМИЙ ИШЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ДОИРАДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛАЁТГАНИ ДИҚҚАТГА САЗОВОРДИР.

Илмий муассасанинг бир гуруҳ ёш истеъдоди КРДФ, Усаид каби халқаро грантларни қўлга киритди. Ҳозир улар бўйича бешта илмий лойиҳа устида изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро ИНТАС жамғармаси гранти асосида амалга оширилаётган тадқиқотга эса изланувчан ёш олим Дилшод Осмонов раҳбарлик қилмоқда. Бу иш ҳаракатланувчи қуёш станциялари тадқиқига бағишланган.

ЭЪТИРОФ ҚИЛИНГАН ИЗЛАНИШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ОЛИМЛАРИ «ФИЗИКАНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ» ДЕГАН МАВЗУ ДОИРАСИДА ҲАМ ИЛМИЙ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДАЛАР. МУТАХАССИСЛИК КУРСЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН МАВЗУЛАР ЭСА АТМОСФЕРА ФИЗИКАСИ, ПОЛИМЕРЛАР ФИЗИКАСИ, ЯРИМ ҲАМ ҲИССАЛАРИНИНГ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ.

Бу тадқиқотлар таълим андозалари янги авлодини яратиб доирасида амалга оширилди. Шунингдек, физика фанининг янги йўналишларига қаратилган услубий тақлифлар киритилди.

Бу самаралар изланишлар натижалари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида физика фанига бағишланган ўтказилган халқаро анжуманда яхши баҳо олди.

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛИ КАТАЛИЗАТОРЛАР

ТОШКЕНТ КИМЭ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА КЕНГ КЎЛАМДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. НАТИЖАДА 40 ГА ЯҚИН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАНМАЛАРИ ЮЗАГА КЕЛДИ. БУНДАЙ ЮТУҚҚА ЭРИШИШДА 200 ГА ЯҚИН ТАДҚИҚОТЧИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Янги, юқори сифатли катализаторлар яратишга доир изланиш «Навоийазот» оқик акциядорлик жамияти мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Натижада маҳаллий хомашёдан истиқболли катализаторлар ҳосил қилиш имкони туғилди. Юз тонна катализатор ишлаб чиқаришдан 300 миң доллар миқдорда иқтисодий самарага эришилди.

Акбар АЛИЕВ

Искандар Раҳмоннинг қўлгина дилкаш ва жанговар шеърлари қўшиққа айланиб, таниқли хофизларимиз, ҳарбий санъаткорлар дастуридан жўй олиб, катта байрам тантаналари, нуфузли концертларда ижро этилмоқда, ойнаи жаҳон ва радио тўлкинларида тез-тез баралла янграмоқда. «Оқшом» газетасининг бугунги азиз меҳмони — қалами ўткир, диди нозик, бағрикенг, катмарин ва самимий инсон Искандар Раҳмон билан дилкаш суҳбатимиз ҳам яқинда юртимизда бўлиб ўтган катта байрам тантаналарида ижро этилган унинг қўшиқлари ҳақидаги мулоҳазалардан бошланди...

— Пойтахтимиз ва Самарқанд шаҳрида ўтказилган катта байрам тантаналарида ижро этилган қўшиқларимни эшитиб қалбимда бир олам фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис этдим, — дейди суҳбатдошимиз ўз ҳажонини яширолмайд. — Ахир она-Ватан ҳақида бор овоз билан, илҳом билан куйлашдан ҳам ортик бахт борми дунёда! Бинобарин, истиқболга эришган жонаҳон ва қадрдон юртим, унинг побсонлари ҳақида куйлаш мен катта ўзимни Ватанимдан чорак асрдан зиёд мусофирчиликда ўтказган инсон учун шон-шараф эмасми? Шеърларимга кўчган бу туйғулар Ватан меҳридан, юрт соғинчидан туғилган менинг туйғуларим-ку, ахир!

— Искандар ака, мавриди келганлиги боис келинг, шу ўринда тақдир тақозоси билан ватандан узокда бўлган дамларингиз ҳақида эслайлик.

— Марҳамат, жоним билан. Айтиб ўтганингиздек, қалбимда ҳаёт ва тақдир тақозоси билан чорак асрдан зиёд вақт Куролли Кучлар сафида ҳарбий хизматда бўлиб, оила аъзолари билан киндик қоним тўкилган, униб-ўсган она-мақомим, қадрдон шахрим, қариндош-уруғларим, ёру биродарларим бағридан узилиб, олисда, хоржий элларда юрт соғинчи ва юпанчи билан умидвор яшаганман. Қаерда ва қандай шароитларда бўлмай, она юртим, она тилим, ўзбекона урф-одатларимиз, қадриятларимиз, маданиятларимизга меҳр-муҳаббат, миллий гурур ва ифтихор ҳис-туйғуси доимо юрагимнинг тўрида бўлган. Ҳар йили навбатдаги меҳнат таътили олиб, ошқиб-шошилиб Тошкентга келганимда йил бўйи эълон қилинган энг сара, янги бадиий адабиётлар, куй-қўшиқлар ёзилган грампластинкаларни асраб-авайлаб, ўзим билан бирга олиб кетар, оила аъзоларим, бошқа ҳамюртларим билан баҳам кўрар, юрт соғинчи, мусофирчиликнинг изтиробларини бир қадар енгиллаштириб, хумордан чиқар эдик. Ҳамон ёдимда, ўтган асрнинг 1980 йили олис хоржий мамлакатдаги хизматимни тугатиб, Брест қалъасидан ўтиб, Москвадан туғилиб ўсган қадрдон шахрим — Тошкент томон самолётда учимиз жараёнда қалбимдан отилиб чиқаётган хисларимни қозғаша ўзгача илҳом билан тушириш дамлари бошланди. Ана шундан бери ҳис-туйғуларим бир лаҳзада, бир зарб, тўлғоқ билан қозғаша тўшиб келмоқда. Юртимизда юз берган истиқлол биз, ижод аҳлига ҳам битмас-туганмас имконият ва илҳом бермоқда. Бунга ҳар қанча шукроналар айтсан ҳам шунчалик камлик қилади.

— Ҳозиргина таъкидлаб ўтганингиздек, бир шеърингизда:

Ўзбекистон оламда юртларнинг энг аълоси, Осмони кенг, мусаффо, жонфидо сув, ҳавоси, Дилни ўртар, ёндирар, шарқона куй, навоси, Тилда Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Бухороси, Узок-яқин дўстларини жўшиб меҳру илҳоси, Кун сайин ортар унинг ошифтаю шайдоси! деган ажойиб сатрларни битгансиз. Искандар ака, айтингчи, сиз аслида шифоқоримиз ёки шоиримизсиз? Ҳар икки соҳага қизиқиб қолишингизнинг сирини мадада?

— Қани айтингчи, ёшлигимда ҳарбийча либос кийишни оруз қилмаган биронта болакайни эслайсизми? Урушдан кейинги йилларда яқин таниш ва қариндошларимиздан Абдувоҳид Раҳмонов, Нарзулла Мухторов, Зикрилла Эгамбердиев, Эркинхон Зухриддинов, Учқун Ол-

Мазкур тадбирда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, Адлия бошқармаси, Халқаро молия корпорацияси, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси, шаҳар статистикаси бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари, туманлардаги рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг маъсул ходимлари, хусусий бизнес субъектлари қатнашдилар.

Семинар очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси раиси ўринбосари Абдувоҳид Абдурашидов юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим омил бўлган хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишбилармонларнинг эркин фаолиятларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий ҳимояга асосланиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Иштирокчиларда Халқаро Молия корпорациясининг хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаси бўйича ме-

нежери Зафар Хошимовнинг мазкур корпорация томонидан пойтахтимизда тадбиркорлик субъектларини (500 нафар) рўйхатдан ўтказиш ишлари натижалари юзасидан корпорация экспертлари томонидан

кама қилинган тадбирда кўплаб мутасадди идоралар раҳбарлари, етакчи мутахассислар сўзга чиқди.

Хусусан, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Илбос Ҳай-

полияга қарши фаолиятни тартибга солиш ва Монополияга қарши қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Нурмат Худанов «Кейинги йилларда давлатимиз томонидан иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида эълон қилинаётган фармон ҳамда қарорлар тўғрисида» мавзуга тўхталиб ўтишган бўлса Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим бошлиғи Нигора Комилова палата хусусий тадбиркорларга таъсис ҳужжатларини тайёрлашда «Ахборот-маслаҳат»

маркази билан ҳамкорликда қандай ишлар амалга оширилаётганига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Семинар ўзаро савол-жавоб тарзида ўтказилди. Унинг қатнашчилари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятларини қисқа мўдатларда бошлалари учун давлат органлари, мутасадди ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари лозимлиги эътироф этилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Семинарлар

ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

БОЗОР КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ ВА ҲИСОБГА ҚўШИШНИНГ ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ БАЖАРИЛИШИ ВА БУ БОРАДАГИ МАВЗУД МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН Ўқув-Семинар ўтказилди.

ўтказилган ўрганиш (сўров-барлаш асосланган) натижаларининг таҳлилий баёни тақдимномаси катта қизиқиш уйғотди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бўйича амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилиниши, тадбиркорлик субъектларини учун яратилган шарт-шароитлар, рўйхатдан ўтказиш муддатларини қисқартириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда бу йўналишдаги хорж давлатларидаги тажрибалардан фойдаланиш масаласи кенг муҳо-

даров «Пойтахтимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳақида» мавзусида; Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Акбар Ҳужаев «Турар жойларни нотурар жойларга айлантириш, уларни таъмирлаш, қайта қуришни расмийлаштириш» мавзусида; Тошкент шаҳар Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси рақобат муҳитини таҳлил қилиш, Моно-

маркази билан ҳамкорликда қандай ишлар амалга оширилаётганига йиғилганлар эътиборини қаратди.

Семинар ўзаро савол-жавоб тарзида ўтказилди. Унинг қатнашчилари томонидан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятларини қисқа мўдатларда бошлалари учун давлат органлари, мутасадди ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритишлари лозимлиги эътироф этилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ПОЙТАХТДА КАБУТАРЛАР ТАНЛОВИ

ЮРТИМИЗДА ТУРЛИ КЎРИНИШДАГИ МУСОБАҚА ВА ТАНЛОВЛАР, БИРИНЧИЛИК ҲАМДА ЧЕМПИОНАТЛАР КўПЛАБ ўТКАЗИЛАДИ. УЛАР ОРАСИДА КАБУТАРЛАР ТАНЛОВИ ҲАМ МАВЖУД.

Нафақат ўзимиздан, балки Россия ва Германиядан ҳам ишқибозларни ўзига жалб қилган кичик тумшукли кабуларнинг барча турлари иштирокчида мамлакат оқик чемпионати ҳамюртларимиз ва шахримиз меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Германия, Болгария, Қозғоғистон ҳамда Руминия каби давлатларда анъанавий тарзда ўтказилган аввалги мусобақалар билан бу галгисининг фарқини иштирокчиларнинг кўлиги билан

ишқибозлари орасида Рустам Каримов навбатдаги чемпионликни қўлга киритган бўлса, энг яхши кабуларлар коллекцияси номинатсияси бўйича Мурод Комилов тенгсиз деб топилди.

Навбатдаги мусобақа эса Осийе кабулари жамияти томонидан тўққизинчи ҳамда унинг ноябрда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туристик-пресс»

ишқибозлари орасида Рустам Каримов навбатдаги чемпионликни қўлга киритган бўлса, энг яхши кабуларлар коллекцияси номинатсияси бўйича Мурод Комилов тенгсиз деб топилди.

Навбатдаги мусобақа эса Осийе кабулари жамияти томонидан тўққизинчи ҳамда унинг ноябрда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туристик-пресс»

тибевларнинг кийган ҳарбийча либослари ўзларига қўйиб қўйгандек ярашиб турганини кўриб, уларнинг қадди-қоматларининг тик ва расолиги юрагимни хизиллатган, шу босиш менда ҳарбий соҳага меҳр-муҳаббат уйғотган эди.

Адабиёт ва санъатта ишқибозлик ҳам ёшлигимдан бошланган. Отамлар ҳақиқий санъат шайдоси эдилар. Хонадонимизга тез-тез Фуломқори Ганиев, Карим Мўминов, Акмалхон Музаффаров, Акмалхон Гижжақчи, Абдусаммадбек танбури деган таниқли ҳофиз ва созандалар меҳмон бўлиб келишарди. Улар ижро этган ажойиб куй ва қўшиқлар болалигимдан қўлоримга қириб, юрагимга ўрнашиб қолган. Яқин қариндошларимиздан машҳур навоийшунос олим Порсоҳон Шамсиев, таниқли адиб Ҳабиб Нўмонлар суҳбатда бўлиб, уларнинг дуоларини олганман. Қолаверса, ўтган асрнинг 1954-55 йилларида Лабаздаги ўқув-

барлигидаги драма тўғрагида узлуксиз қатнашиб ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри сахнасида кўйилган «Юрак сирлари», «Орқик тишлар», «Айтмас тилим куйда, айтмасам дилим», «Икки муҳаббат», «Мақр ва муҳаббат», «Имон» спектаклларидидаги бош ролларни институт сахнасида ижро этганман. Хусусан «Имон»да Олим Ҳўжаев маромига етказиб уйнаган профессор Комилов ролини.

— «Оқшом» муштарийлари сизнинг кўплаб санъаткорлар, хусусан раҳматли Незматжон Қулабдуллаев билан ўзаро ижодий ҳамкорликда яратган қўшиқларинингдан яхши хабардорлар. Бинобарин, бугунги кунда кўплаб қўшиқларингиз «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари» кўрик-танловларида гойиб деб топилган экан, бундан чорак аср муқаддам яратилган ва ҳозирги кунда ҳам марок билан ижро этилаётган мафтункор пойтахтимизга бағишланган «Ассалом, Тошкентим» кўшиғи ҳақида ҳам икки оғиз сўзлаб берсангиз.

— Бу ҳақда гапириш қалбимда учун жуда мароқлидир. «Оқшом» газетаси билан боғлиқ ўша унутилмас воқеа ўтган асрнинг 1983 йилида бўлган. Тошкентнинг қутлуғ икки миң йиллик тўйи муносабати билан газетамда «Тошкент таронаси» кўрик-танлови эълон қилинди. Бахтимни синаб қўришга яхши имкон туғилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби, хассос санъаткор Незматжон Қулабдуллаев каминанинг «Ассалом, Тошкентим» деган шеъримга ажойиб куй басталадилар. Қўшиқ матни унинг нотаси билан «Оқшом»да эълон қилинди. Кейинчалик бу қўшиқни Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Эркунваллар маромига етказиб қўйлашди, оҳанрабо тасмаларига ёздирдиши. Таъкидлаганидек, мана орадан қарийб чорак асрдан зиёд вақт ўтдики, яратган қўшиғимиз ҳамон ўз тароватини йўқотмади, у телекўрсатув ва радио тўлкинларида баралла янграмоқда.

— Искандар ака, умрингизни ҳарбий хизматга башда қилган инсон сифатида тинчлик осмондан тушмаслигини, уни жонни фидо қилиб асраш кераклигини яхши биласиз. Шунинг учун ҳам шеърларингизни яйраб ёзасиз. Шунинг учун ҳам шеърларингиз хофизларимиз ижросида умрбоқик қўшиқларга айланган. Бунга бугун сиз билан қилган дилкаш суҳбатимиз ҳам ёрқин мисолдир.


— Самимий сўзларингиз учун чин дилдан ташаккур. Шунини алоҳида мамнуният ва ифтихор билан таъкидламоқчиманки, айниқса «Тошкент оқшом» газетаси ижодий жамоаси билан қарийб қирқ йиллик қадрдонлигим, ўзаро ҳамкорлигим қаламимни чарқлатди, мени янги-янги марраларга етказди. Натижада 20 дан зиёд ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги насрий ва назмий асарларим тўплам ҳолида чоп этилди, элликдан ортик шеърларим таниқли хонанда, созанда, бастакорлар эътиборига тушди, қўшиқ шайдоларининг маънавий мулкига айланди. Айниқса Истиклол йилларида кўпчилик бўлиб, биргаликда сафда айтилаётган қўшиқ, маршларим ҳарбийлар ўртасида оммалашиб кетди. Ижодий изланишларим самараси ўлароқ республикамизнинг кўплаб кўрик-танловлари гойиб бўлганлигидан фخرланманман. Қутлуғ етмиш ёшимда ҳам ўзимни Ватанимиз тинчлиги ва оқшомчиликни поёнбарин сафида, элимиз соғлигини сақлашдек хайрли ва муқаддас хизматда, санъатини, шеърятини, қўшиқни дилдан севадиган ва уни қадрлайдиган улўғ халқимиз хизматида деб ҳисоблайман.

Менда йўқ ҳаловат на кеча, кундуз, Эрта-кеч сафдаман, йўл сафардаман, Унутиб ёшлиғу, орзу-хавасини, Эл не деб буюрса, камарбастанам!

Сухбатчи Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Дилкаш суҳбатлар

ВАТАНИМНИ КУЙЛАШ БАХТИМДИР



ЎЗ АСАРЛАРИ БИЛАН ҚАРИЙБ ҚИРҚ ЙИЛДАН БЕРИ «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ФАОЛЛИК БИЛАН ҚАТНАШИШ КЎП МИНГ СОНЛИ МУШТАРИЙЛАР НАЗАРИГА ТУШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙСИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ АЪЛОЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИСИ ВА ЖУРНАЛИСТИКА УЮШМАЛАРИНИНГ АЪЗОСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ФУҚАРОЛАР МУҲОФААЗАСИ ИНСТИТУТИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ ИСКАНДАР РАҲМОН КАСЕДОШЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР АНЪНАЛАРИНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИБ, ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК СОҲАСИДА БАРАКАЛИ ҚАЛАМ ТЕБРАТАЁТГАН СЕРМАҲСУЛ ИЖОДКОРЛАРДАН БИРИДИР.

чилар уйда ташкил этилган, атоқли шоир Файратий домла бошчилигидаги адабиётчилар тўғрагининг машғулотларида бўлиб, Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Анвар Исроилов, Анвар Эшонов, Юсуф Шомансур, Тўлқин Илҳомов, Тўлқин Расулов ва бошқалар билан танишиб, адабий дарваларда ҳамсуҳбат ва ҳамнафас бўлганман.

— Искандар ака, эндиликда шифоқорлигингиз, шоирлигингиз ҳаммага маълум бор ҳақиқат. Лексин сизнинг актёрлик санъатингиз ҳақида ҳам кўп дарваларда марок билан гапиришарди. Ҳали юқорида машҳур санъаткорларга эргашиб, уларга ҳавас қилганингизни таъкидладингиз. «Оқшом» муштарийларига ана шу ҳақда сўзлаб берсангиз айни муддао бўларди.

— Бажонидил, Тошкентга таътиллар пайтида келганимда уртоқларим билан спектаклларни томоша қилишга ҳаракат қилардим. Ушанда бутун вужудим саҳнада, ўз ролларини қўймига етказиб ижро этаётган машҳур санъаткорларда бўларди. Уларнинг орасида менинг Олим Ҳўжаевга меҳр-муҳаббатим айниқса бошқача эди. У ўзининг бутун борлиғи, юриш-туруши, мулоийим ва ёқимли гап-сўзи, лутфи билан мени ўзига мафтун қилиб, сеҳрлаб қўйган эди. У менинг дилимдаги эъзозим, орзу-уйларимнинг энг юксак ва порлоқ чўққиси, ҳаётимнинг маъно ва мазмунига айланган эди. Айниқса Олим Ҳўжаев ижросидаги Алишер Навоий сиймоси, Астрообдаги монологи тилимдан ва дилимдан кетмасди. Хали ҳам шундай.

— Юқоридаги мавзунинг давом эттирган ҳолда бир нарсани сўраш истаги туғилди. Ўзингиз ҳам саҳналарда роль уйнаганмисиз?

— Дилимдаги саволни бердингиз. Ўқувчилик давримизда мактабда бир пардали томоша, хангомалар кўрадик. Ўтган асрнинг 1956-61-йилларида ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси (собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институтини)да таҳсил олган бўлсам, олти йил истеъдодли санъаткор ва мураббий Аҳмадхон Юнусов раҳ-

АЛОҚА ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТ АЙЛАНИШИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда «Алоқа инфратузилмаси ва хизматлари ҳамда электрон ҳужжат айланиши ривожлантиришнинг долзарб муаммолари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Россия Федерациясининг Ахборот технологиялари бўйича федерал агентлиги томонидан ташкил этилди.

Форумда мамлакатимиз давлат органлари, илмий ташкилотлари, ишбилармон доиралари, ахборот технологияларини ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи хорижий фирмалар ҳамда компаниялар вакиллари иштирок этди.

Конференцияда мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли дастур қабул қилиниб, изчил амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамият жадал суръатда ахборотлаштирилмоқда ва шу босис бугун кўплаб давлат ҳамда нодавлат тузилмаларида электрон ҳужжат айланиши тизимига бўлган эҳтиёж ортиб бораётди.

2004 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси электрон ҳужжатнинг ҳуқуқий кучини белгилашдир. Мазкур қонунга кўра электрон ҳужжат қозғоқ ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлади. Ҳозир республикамизда электрон ҳужжат айланишини кенг қўллаш имконияти яратилган.

Электрон ҳужжат айланишининг замонавий тизимларини қўллаш, ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик даражаси ва сифатини, катта ҳажмлардаги ахборотни топши, қайта ишлаш, фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бошқарув қарорларининг тезкорлиги ҳамда юқори сифатини таъминлаш, ҳамкорликдаги ҳаракат жараёнини соддалаштириш ва уларни амалга ошириш вақтини қисқартириш орқали ҳар қандай ташкилот ҳамда компанияда иш унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш мумкин.

Электрон ҳужжат айланиши хизматларига аниқса, электрон ҳукумат ва электрон тижоратни ривожлантиришда эҳтиёж сезилмоқда. Айна пайтда Ўзбекистон Республикасида замонавий электрон ахборот алмашини тизимига ўтиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2006 йилда электрон рақамли имзони қўллашга доир миллий инфратузилма ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда жадал ривожланмоқда. Электрон рақамли имзодан электрон ҳужжат айланишини амалга оширишда фойдаланилади. Кўплаб давлат ва нодавлат тузилмалар ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этди ҳамда муваффақиятли қўлламоқда. Мамлакатимиздаги ўнлаб фирма ва компаниялар хорижий шериклари билан электрон ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этаётди.

Форумда электрон ҳужжат айланишини, жумладан, халқаро электрон ҳужжат айланиши ривожлантиришнинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди, ушбу соҳада тажриба алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари, алоқа инфратузилмаси ва хизматларининг аҳволи ҳамда уларни ривожлантириш, стандартлаштириш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари бўлими бошлиғи У.Аъламов, Илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлари маркази директорининг биринчи ўринбосари Р.Исаев, «ТехноСерв АС» масъулияти чекланган жамият департаменти раҳбари М.Романов (Россия) ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Росинформтехнология (Россия) вакили И.Загорскийнинг айтишича, Ўзбекистон МДХда АКТ соҳасида халқаро ҳамкорликнинг фаол иштирокчиларидан бири бўлиб, электрон рақамли имзо ҳамда электрон ҳужжат айланиши калитларини рўйхатга олиш марказларини жорий этиш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Россия мутахассисларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқин илмий ва амалий ҳамкорлиги ҳам бундан далолат беради.

Виктор НИКОЛАЕВ, ЎЗА мухбири

Оз-Оз ўнганчиб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Бу дунё нарчаси кўп бўлса, ортиб қолмайди, оз бўлса ҳам баҳарҳол етади.

Бу дунё нуқсонлари минг-мингдир, фазилати биргинадир — одам уни қандай ўтказса, шундай ўтаверади.

Қайгу-алам сени қанчалик асир қилса ҳам, кўз қанча йиғласа ҳам, киши яна албатта қулади.

Азалдан дунёнинг қонун-қоидаси шудир: қайгу ҳам, ҳасрат ҳам қанча вақт ўтса, шунча эскиради.

Кимга жафо қилсанг, жафо кўришга ҳозир бўл — жафочи ўз жафосини кунда етказаверади.

Ҳеч вақоси йўқ қашшоқ бахтиёрдир — у бориға рози бўлиб, ҳамини кўнгли бой юради.

Улуғлик, давлат, бахт-қут кишини мағрурликка етаклайди — киши ўз одамлиқ бурчини унутмайди.

Эй неъмат соҳиби, ўлим машаққатингдир, эй меҳнат соҳиби, ўлим роҳатингдир!

Сабр қилсанг, меҳнатинг, неъматинг бўлади, шукр қилсанг, неъматларинг охири-тошиб кетади.

Билим бир денгиздир — туби йўқ.

Туз-нон ҳақиға риюя қилиб, мардлар Едирган кишига бош(лари)ни фидо қилади (лар).

Дуо билан инсон эзгулик(лар) топади, Дуо билан жаннат (ва) мангулик топади.

Ғофил бўлма, ҳаракат қил, юкингни енгиллат, Йўлинг қилдан (ҳам) нозикдир, ўзингни ростла.

Шошар пайтида сокин бўл, ғазаб пайтида мулойим.

Одамлар айбини очма, балки уни пардалаб яшир.

Чиндан дунё, давлат (мисли) кўланқадир, Кўланка (эса) кун билан биргина ерда турмайди.

Ёмон икки оламда ўзига бало орттиради.

Кераксиз сўзни яшир, (чунки у) зиён қилади.

Инсон кўп сўздан зерикиб бебади.

Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради.

Билимнинг бузқилиғини ва заковатнинг улуглиғини англагин — бу иккаласига эга бўлган сара кишилар улугликка эришадилар.

Билиб-тушуниб сўзланган сўз доноликдан далолатдир, нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.

Кўп сўзлашдан ортиқча наф кўрмаганман, сўзинг қўпидан фойда ҳам топмаганман.

Кўп ва ортиқча сўз юзни ерга қаратади.

Ўртача йўриққа амал қилган одам юксалликка эришади.

Сўзларинг янглиш — хато бўлса, ўзингга зиён келтиради.

Сен барча сўзларни билим билан сўзлагин, барча кишини билими учун улуглагин.

Сўз одамзод учун табиатнинг улуг инъомидир.

Одамлар орасидаги бузқилиқ заковат билан тузатилади, халқ орасидаги ғалаён билим билан тинчитилади.

Дунёнинг жойлари хоҳ тўрда, хоҳ пойгада бўлсин, билимли учун бари бирдир.

Одамнинг бегаги сўздир.

Фақат эзгу сўзли кишиларнигина ардоқлаш лозим.

Эл орасидаги зулматни кўтариб, зиё таратиш учун жаҳонгирларга минг турли ҳислат ва фазилат лозим.

«Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар бўйича кўмити, Ўзбекистон Муслмонлари идораси ва Тошкент Ислам университети ҳамкорликларида Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мажмуасининг мажлислар залида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ҳам «Ислам маданиятида табиат ва инсон, поклик ва саломатлик масалалари» мавзусига бағишланди. Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси вакиллари, Ўзбекистон Муслмонлари идораси раҳбарияти, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар вакиллари, қатор хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, Тошкент шаҳрининг диний уламолари иштирок этдилар. Конференцияда ислом таълимоти-нинг моҳияти, унинг гуманистик ва маърифатпарварлик хусусиятларида, айниқса табиат ва инсон, поклик ва саломатлик борасидаги бой ижтимоий-фалса-

Анжуманлар

САЛОМАТЛИК МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ ISESО ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ БАРЧАМИЗНИНГ ҚАЛБИМИЗНИ ФАҲР ВА ФУРУРГА ТЎЛДИРДИ. МАЪЛУМКИ, ИСЛОМ ДИНИДА ПОКЛИК, АТРОФ-МУҲИТНИ ТОЗА САҚЛАШ, САЛОМАТЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ ВА БОШҚА ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Убайдулла Уватов «Ислам маданиятида табиат ва инсон муносабатлари», Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдуразақ Юнусов «Ислам маданиятида поклик ва саломатлик масалалари» мавзуларида тўхталиб ўтишди. Тадбирда сўзга чиққанларнинг таъкидлашича инсоният янги минг йилликка кириб келган бир вақтда инсон, табиат ва жамият ўртасидаги қозволюцион ривожланиш жараёнида минтақавий ва глобал таҳдидлар янада кучаймоқда. Иқлим ўзгариши, чиқиндиларнинг кўпайиб бориши, тупроқнинг деградацияси, сув захираларининг ифлосланиши, биологик хилма-хил-

ликнинг камайиб бориши, ижтимоий-гигиеник ҳамда инсон саломатлиги билан боғлиқ бўлган масалалар энг долзарб муаммоларга айланиб бормоқда. Бу муаммолар айниқса Марказий Осиё шароитида янада чуқурроқ намоён бўлмоқда. Шунинг таъкидлаш кераки, соғлом турмуш тарзи, санитария, гигиена ва экология маданиятини халқ орасида кенг тарғиб қилиш, тозаланиш ва саломатлиқни кундалик ҳаётимизнинг узвий бир қисмига айлантириш, ҳар бир инсон қалбиде саломатлик фалсафасини вужудга келтиришда ислом дини таълимотларининг ўрни юқоридир. Афсуски, ҳозирги пайтда сувга бўлган

Дилором ИКРОМОҒА.

Кураш янгиликлари

БАРЧА ҚИТЪАЛАРДАН ПОЛВОНЛАР ҚАТНАШАДИ

Миллий қадриятимиз ва спорт туримиз бўлган кураш бугун ўзининг жаҳон чемпионатлари ўтказиш географиясини кенгайтира бориб навбатдаги 6-жаҳон чемпионатини ўтказиш учун яна Осиё қитъасига қайтди.

Едингизда бўлса кураш бўйича жаҳон чемпионати биринчи бор ўз ватанимиз мезбонлик қилган бўлса, кейинги турнирларини Европанинг йирик давлатлари Туркия, Венгрия, Арманистон ўзида қабул қилди. Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати эса узок Доминикан республикаси мезбонлик қилди. Эндиги 6-жаҳон чемпиони 27-28 октябрь кунлари Мўғулистон давлатида бўлиб ўтади. Чемпионатда дунёнинг барча қитъаларидан полвонлар иштирок этади. Чемпионат гиламига 60, 66, 73, 81, 90, 100, +100 ва мутлак вазн тоифасидаги эркаклар билан бир қаторда 48, 52, 57, 63, +63 вазндаги барчаноилар ҳам чиқадилар. Мўғулистон кураш федерациясининг КХА берган хабарига кўра, чемпионатга тайёргарлик ишлари юқори даражада олиб боришмоқда. Чемпионатда қатнашиш истадида бўлган давлатлар сони кундан-кунга ортмоқда. Энг кўвонарлиси шундаки, бизнинг миллий спортимиз бўлган кураш тарбиятоби, айнан чемпионатга қаролиқчи роликлар Мўғулистон миллий телерадиокомпаниялари орқали ҳар кун мунтазам бериб борилади.

МАКАОДАГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА

НАФАҚАТ КУРАШИМИЗ, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИГА ЗАРҲАЛ ҲАМЛАК БИЛАН БИТЛАЖАК ЯНА БИР ОЛАШМУМЛ ВОҚЕА ШУ ЙИЛНИНГ 1-3 НОЯБРЬ КУНЛАРИ МАКАО ДАВЛАТИДА БЎЛИБ ЎТАДИغان ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДЕСАК МУБОЛАГА ҚИЛМАЙМИЗ.

Ўшқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинларида кураш бўйича биринчи бор мусобақа-

лар ташкил этилади. 20 дан зиёд давлат иштирок этадиган ушбу ўйинлар ҳам курашнинг Олимпиада сари йўлининг янада жадаллашишида муҳим омил бўлса ажаб эмас. Доҳадаги Осиё ўйинларида кураш бўйича мусобақалар ўтказилгани каби ушбу нуфузли спорт тадбирида ҳам кураш мусобақаси бўлиб ўтади. Спорт тарихига назар ташлар эканмиз, қисқа давр ичида бундай нуфузли мусобақалар таркибидан жой олиш фақатгина ўзбек спортчи бўлган курашчига насиб этмоқда.

Мусобақалар эркаклар ўртасида 73 ва 90 килограммлик вазн тоифасида ўтказилса, аёллар 63 ҳамда 73 килограммлик вазнда гиламга чиқадилар.

ЯПОНИЯДА МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

Япония давлати курашнинг ХАЛҚАРО СПОРТ ТУРИ СИФАТИДА ТАН ОЛГАН БИРИНЧИ ДАВЛАТЛАРДАН САНАЛАДИ. КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ ОИЛАСИГА ҲАМ ЯПОНИЯ ДАВЛАТИ БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ҚўШИЛГАН.

Япония бир неча спорт турини халқаро майдонга тақдим этган давлатлардан бири ҳисобланади. Бу ерга кириб келаётган ҳар қандай янги спорт турининг бир неча Шарқ курашлари билан рақобатлашишига тўғри келади. Ўзбек спорт кураши эса бундай рақобатларда ғолиб чиқиб япон миллати кўнглидан жой топа олди ва ўз ривожланиш йўлини бошлади.

Яқинда — 14 октябрь кун яқинида етган чемпионат буни яна бир бор тасдиқлади. Чиб шаҳри марказидаги «Матсудо» спорт марказида учинчи бор кураш бўйича Япония чемпионати бўлиб ўтди. Унда Япониянинг турли шаҳарларидан ташриф буюрган 100 га яқин 66, 73, 90, 100 килограммлик вазн тоифасидаги полвонлар иштирок этдилар.

Дарҳақиқат, кураш миллатимиз тимсоли бўлиб дунёда ўзининг салобатини, ҳалоллик, адолат тамойилларига асосланган кенг майдонни яратмоқдаки, бу глобаллашадиган дунё спортда ўзига ҳос ҳодиса бўлиб тарих саҳифасидан жой олиши мўжаррар.

Гулчехра ДҮРДИЕВА

ТУРКИЯНИНГ КЕМЕР ШАҲРИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА ЙИГИРМА УЧИНЧИ МАРТАБА ЎТКАЗИЛГАН ЕВРОПА КЛУБЛАРИ КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК 18-ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ «ТОМСК-400», ЯНА БИР ГРОССМЕЙСТЕРИМИЗ МИХАИЛ САЛТАЕВ «ROCHADE EUPEN KELMIS» ЖАМОАСИ ТАРКИБИДА ДОНА СУРДИ.

Шахмат

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЕВРОПАДА ДОНА СУРДИ

Мусобақа қоидасига биноан бош соврин учун курашган «кўҳна қитъа»нинг эллик олти жамоаси ҳар бир учрашувда олтидан шахматчисини ўйинга туширди. Етти тур давом этган беллашуларда рақибини умумий ҳисобда мағлубиятга учратган жамоага икки, дурангга бир очкодан берилди.

Рустам Қосимжонов ўз жамоасининг еттита учрашувдан олтиасида иштирок этди. Дастлабки икки турда «Opus Capita Tampere» вакили Маки Вайо ҳамда «Экономист» аъзоси Сергей Тивяков билан куч синашган Рустам Қосимжонов ҳар икки баҳода ҳам дуранг ўйнаб, жамоасининг 5:1, ҳамда 4,5:1,5 ҳисобидаги галабасига ҳисса қўшди.

«Utrecht»га қарши ўтказилган учинчи учрашувда иккинчи тахтада ўйнаган Рустам Қосимжонов рақиб жамоа шахматчиси Рис Робертни мот қилди ва «Томск-400» бу баҳода 4,5:1,5 ҳисобида зафар кучди. Тўртинчи турда дам олган ўзбекистонлик шахматчи кейинги беллашувда жамоаси ҳисобига яна бир очко келтирди. Бу гал «Новоборский спорт клуб» шарафини ҳимоя қилаётган Томас Кулханек Рустамнинг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. Унинг 6:0 ҳисобида «Томск-400» фойдасига ҳал бўлди.

Олтинчи тур учрашуви Рустам Қосимжонов ва унинг жамоадошларига омадсиз келди. «Томск-400» ғолибликка асосий даъвогар бўлган «Linex Magic - Merida» жамоасига 2,5:3,5 ҳисобида ютқазиб қўйди. Рустам Қосимжонов эса рақиб жамоа ўйинчиси Сергей Рублевскийга имкониятни бой берди.

Шундай бўлса-да, сўнгги турда «Томск-400» аъзолари орасида галаба нашидасини суриш фақатгина Рустам Қосимжоновга насиб қилди. Еттинчи турда «Gros Xaxe

Taldea» шахматчилари билан куч синашган «Томск-400»нинг бешта вакили дуранг ўйнади. Хал қилувчи партияда ўзбекистонлик гроссмейстер Рустам Қосимжонов рақиб жамоа шахматчиси Андрей Истратескуни мот қилиб, «Томск-400»нинг 3,5:2,5 ҳисобидаги галабасини таъминлади.

Маъзур нуфузли мусобақада ўз мажоратини намойиш қилган Михаил Салтаев эса «Rochade Eupen Kelmis» жамоаси таркибиде учинчи тахтада еттита учрашув ўтказди. Дастлабки олтита учрашувдан иккитасида Виктор Прифти ва Мериян Ван Делфтни мағлубиятга учратди, Милан Драско ҳамда Хаммер Йон Людвиг билан дуранг ўйнади, икки марта рақиб шахматчиси устунлигини тан олишга мажбур бўлди.

Михаил Салтаев еттинчи турда «Aarhus Skakklub» шарафини ҳимоя қилган Хаген Андреас Скиттэга қарши дона суриб, дуранг натижага эришди ва жамоасининг 5:1 ҳисобидаги умумий галабасига ҳисса қўшди.

Мусобақанинг якуний натижасига кўра, еттита учрашувдан олтиасида галаба қозониб, бир мартаба дуранг ўйнаган «Linex Magic - Merida» жамоаси 13 очко билан шохсупанинг биринчи поғонасини эгаллади. Иккинчи ўрин бешта галаба ва иккита дуранг билан 12 очко тўплаган «Урал»га насиб этди. Сўнгги турда Рустам Қосимжоновнинг галабаси туфайли учрашуви ўз фойдасига ҳал қилган «Томск-400» жамоаси эса бешта галаба, биттадан дуранг ва мағлубият эвазига 11 очко жағмарган ҳолда учинчи ўринни эгаллади.

Михаил Салтаев дона сурган «Rochade Eupen Kelmis» жамоаси еттита учрашувдан тўрттасида галаба қозонди ва саккиз очко тўплаб, мусобақани йигирма туртинчи поғонада яқунлади.

Бохир БЕК

«02»: ҲОДИСАЛАР

• Юнусобод туманида соат тунги 2.30 да, ҳеч қаерда ишламайдиган, олдидан судланган, шу туманда яшовчи 36 ёшли Ислам Александров маст ҳолда, Узаро жанжал оқибатида, ишламайдиган, ўзи билан бир манзилда яшовчи акаси 46 ёшли Русланни ошхона пичоғи билан қорни қисмига уриб жароҳат етказган. Натижада акаси оғир аҳволда касалхонага ётқизилган. Гумонланувчи бармоқ излари қолган далилий ашё — пичоқ билан қўлга олинди. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов ишлари жараёнида жанжалнинг сабаблари аниқланмоқда.

• Сергели туманида соат 17.00 да «Басс» кафеси ёнида, ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи 46 ёшли Олег Р., Сергели туманида яшовчи 22 ёшли Надежда Барушевскаяни уриб, тан жароҳати етказиб, куч ишлатиш йўли билан ёнидаги 235.000 сўмлик «Нокия» уяли телефон аппаратыни тортиб олиб қочиб кетган. Жабрланувчининг туман ички ишлар бошқармасига мурожаатидан сўнг, туман жиноят-қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган қидирув тадбири-

лари натижасида ушбу талончиликни содир қилган гумонланувчи Олег далилий ашё билан қўлга олинди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган. Тергов давомида гумонланувчининг бошқа жиноятлари ҳам очилмоқда.

• Мирзо Улугбек туманида тунги соат 12.00 да, ёшлар клубида ҳеч қаерда ишламайдиган, шу туманда яшовчи 22 ёшли Руслан А., қиссаверлик йўли билан Мирзо Улугбек туманида яшовчи фирма менежери 25 ёшли Ироғ Кеңениннг чўнтағидан 120.000 сўм пули, 200.000 сўмлик «Нокия» уяли телефон аппаратыни ва 30.000 сўмлик визитлар учун мўлжалланган кармонини ўғирлаб, чиқиб кетган. Жабрланувчининг туман ички ишлар бошқармасига мурожаатидан сўнг, жиноят-қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган тезкор қидирув ишлари натижасида ушбу ўғирликни содир қилган шахс — Руслан далилий ашё ўғирланган уяли телефон билан қўлга олинди. Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-моддасига асосан жиноий иш қўзғатилган. Тергов ишлари олиб боришмоқда.

• Миробод туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 26 ёшли Улугбек К., шу туманда яшовчи 46 ёшли Акбар Қобилоннинг уйда бўлиб, «уч кун муддат ичида қайтариб бераман», деб «Нексия» автомашинасини ва 5.500 АҚШ долларини олиб, ўз вақтида қайтариб бермаган. Орадан айтилган муддатдан ҳам ташқари анча вақт ўтган, автомашина эгаси Улугбекнинг уйига, қариндошлариникига бориб қидирган. Ҳатто Улугбекнинг танишлари орқали ҳам уни топа олмаган. Шу тарихи орадан 6 ой ўтган, сабр қосаси тўлган жабрланувчи Акбар Фиррибгани қидириб топишда ёрдам сўраб Ички ишлар бошқармасига мурожаат этган. Жиноят қидирув ва қоррупция-рээкетка қарши курашиш бошқармаси тезкор ходимларининг олиб борган сый-ҳаракатлари натижасида Фиррибгани ният қўлга тушди. Гумонланувчи Улугбекка нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси — «Фиррибгарлик» жинояти бўйича жиноий иш қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Маълум бўлишича, гумонланувчи Улугбек катта миқдорда пул қарздор бўлган. Чорасиз аҳволда таниши Акбарни қидириб автомашинасини ва 5.500 АҚШ долларини олган. Автомашинани ноқонуний сотиб юбориб, 5.500 АҚШ долларини қўшиб шу йўл билан қарздан қутулишга уринган. Автомашинани ҳеч қандай ҳужжатсиз сотиб юборганлиги ва ундан сотиб олган шахсга ҳам тергов жараёнида алоҳида эътибор қаратилган.

Юлдуз АШИРОВА,

Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2007 йил 20 июндаги 114-сонли буйруғи билан 2007 йилнинг 15 августидан Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган Тошкент кино-видеотехника ва Собир Раҳимов маънавий хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежларининг бирлаштирилганлиги ҳамда уларнинг негизида Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи ташкил этилганлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефон: 246-54-14

Хўжалик ритулвичи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланганлиги комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарк» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Топширилган вақти: 14:20

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бюролма Г- 906

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

1 2 3 4 6